

Classification of Terms Related to Uzbek Theater

Kozimova Zumriniso Ismailovna,
Senior Lecturer, Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Annotation. In the classification of terms related to each field, they are divided into certain thematic groups. It can be seen that there are a number of thematic groups in the classification of Uzbek theater terms. This article analyzes the Uzbek language terms by dividing them into thematic and lexical-semantic groups.

Keywords: theater, term, subject, group, dictionary, diachrony, synchronicity, lexical-semantic, system-structure, arena, tier, pavilion, benoir, backstage, balagan, balcony, bel-étage, parterre.

Ўзбек театрига оид терминларни таснифлаш

Козимова Зумринисо Исмоиловна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини катта ўқитувчиси

Аннотация. Ҳар бир соҳага оид терминларнинг таснифлашда маълум бир мавзуй гуруҳларга ажратилади. Ўзбек театр терминларини таснифлашда ҳам бир қатор мавзуй гуруҳлари мавжудлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Мазкур мақолада ўзбек тили терминларини мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга бўлиб, таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: театр, термин, мавзу, гуруҳ, луғат, диахрон, синхрон, лексик-семантик, систем-структур, арена, ярус, павильон, бенуар, аръерсцена, балаган, балькон, бель-этаж, партер.

Жаҳон тилшунослигида сўзларни мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга ажратиб олиб тадқиқ қилишнинг бошланганлигига кўп вақт бўлган¹. Ҳар бир соҳа терминларини аввал мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга ажратиб олиш ва изоҳлаш таҳлил жараёнини осонлаштиради. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида қилинган луғатларда ҳам шу жиҳатлар кўзга ташланади.

Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда Ўрта Осиёда ҳам идеографик луғатлар мавжуд бўлган. Улардан “Таржумон туркий ва ажами ва мўғулий”, “Келурнома”, “Луғоти ситта алсина” қабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Салоҳиддин Тошкандийнинг “Луғоти салос” асари ҳам кейинги даврда яратилган идеографик луғатнинг мукамал намуналаридан биридир. Асарнинг 35 та фаслида турли соҳаларга оид сўзлар араб, форс-тожик ва туркий тилларида изоҳланган².

Ўзбек тили лексикасини ўрганишга бағишланган диссертацияларда ҳам лексикани батафсил таҳлил қилишнинг илғор усули сифатида тадқиқот материаллари мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганилади³. Ўзбек тилидаги номлар, терминларни мавзуй ва лексик-семантик

¹ Новоселова Т.И. Об изучении тематических групп лексики // Русский язык в школе, 1972. №1. – С.61-65; Барченкова М.Д. Сравнительное исследование двух лексико-семантических групп существительных (на материале английского языка): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Л., 1974. – 22 с; Ефимова А.С. История формирования тематической группы «названия одежды» в английском языке // Juvenilia, 2000. Вып.5. – С.104-106; Анисимова Ю.А. Соотношение юридических терминов и профессионализмов в лексической системе английского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. – Саратов, 2002. – 271 с.

² Фафурова С. Салоҳиддин Тошкандийнинг “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 15-бет.

³ Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. 20 – 25-бетлар; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. 13 – 17-бетлар; Ўрозбоев А. Огаҳий тарихий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 12 – 19-бетлар.

гуруҳларга бўлиб ўрганиш борасида ҳам кўплаб ишлар борки⁴, бу ҳолат терминларни мавзуий ҳамда лексик-семантик гуруҳларга ажратиш ўрганиш усулининг ишончли ва самаралилигини тасдиқлайди. Ўзбек театр терминларининг мавзуий гуруҳларини аниқлаб олиш, лексик семантик гуруҳларини белгилаш билан соҳа терминларининг семантикаси ҳақида илмий хулосаларга эга бўлиш мумкин.

Қадимда томоша санъатига оид тушунчаларни:

1. Кулгили томошалар.
2. Ҳикоя услубидаги томошалар.
3. Майдон томошалари.
4. Дорбозлик томошалари.
5. Қўғирчоқ ўйин томошалари.

Кулгили томошаларга масхара, ҳаззол, мутойиб, мутояба, тақлид, зарофат. Бугунги кунда бу томоша тури қизиқчилик санъати сифатида ажралиб чиққан бўлиб, фақат театрнинг комедия жанри остида хусусийлашади.

Ҳикоя услубидаги томоша санъати эгалари маддоҳлар, гўяндалар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, лафозлар, воизлар.

Майдон томошаларига камонгарлик, зўргарлик, тирандозлик, куштидонлиғ.

Дорбозлик томошаларига расанбоз, афсунгар, афсунсоз, лаъбафкан, луъбатакбоз, мухрабозлик, муқаллид, мушъабид, ҳуққабоз, шуъбадабоз, накшбоз, найрангсоз, бозигар. Бугунги кунда бу томоша тури кўча томошалари сифатида ҳам, цирк ва театр сахналарида ҳам намоиш этилади. Бундай санъат усталарини дорбозлар ва кўзбойлоғич (фокусчи) деб юритилади.

Қўғирчоқ ўйин томошалари учун хос бўлган арусак, луъбат, луъбатбоз, қовурчоқчи, фонус хаёл, чодар, бисмил, меҳтар, корфармон, кўчагар, рисола.

Кўриб турганимиздек, қўғирчоқ ўйинидан бошқа томоша турларида кўрсатилган тушунча ва терминлар томоша тури ва шу санъат тури билан шуғулланувчи шахсни билдирган. Томоша номларига -боз, -соз, -гар, -чи шахс оти ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан ясалган терминлар ҳам, ясовчи қўшимчаларсиз – томоша номларининг ўзи ҳам шахсни билдириб келган терминлар ҳам мавжуд бўлган (масхара – ҳам томоша турини, ҳам уни ижро этувчи шахсни билдирган. *Юсуф масхара*, *Исмоил масхара* каби). Мазкур томошаларни ташкил этилиши учун хос бўлган асбоблар, жиҳозлар умумийлик касб этиб, адабиёт, санъатнинг бошқа бир қанча турлари, спорт соҳалари учун хусусий ҳисобланади.

Қўғирчоқ ўйин томошаларида *арусак*, *луъбат*, *қўғирчоқ*, *қовурчоқ*, *қурчақ* – томоша учун асос бўлган предмет, яъни айнан қўғирчоқ; луъбатбоз, қовурчоқчи, қўғирчоқбоз – қўғирчоқлар ёрдамида томоша кўрсатувчи актёр; *чодир хаёл*, *фонус хаёл*, *чодир жамол* – қўғирчоқ ўйин турлари; *чодар*, *чодир*, *сафил* – томоша кўрсатиш учун жиҳоз тури; *бисмил* – одатга кўра, қўғирчоқ ясалгандан кейин бўйни пичоқ билан кесиб қўйилган ва у “бисмил” деб аталган. Бўйни кесилмаган қўғирчоқ нариги дунёда жон талаб қилади, деган диний ақидадан келиб чиққан.

Бу томоша турлари учун умумий бўлган термин ва тушунчалар ҳам мавжуд бўлган:

Корфармон, *меҳтар*, *кўчагар* – тушунчалари барча томоша турлари учун умумий бўлиб, XIX асрда ўзбек анъанавий театрининг раҳбари, бошқарувчиси бўлган. Бухоро хонлигида ғолиббоши деб ҳам юритилган. Улар етакчи актёр ҳам бўлганлар. Улар томоша режасини тузганлиги, керакли асбоб-анжомларни ҳозирлаганликлар ҳамда актёрларни роллар учун танлаганликларини назарда тутсақ, бугунги кундаги театр режиссёрлари вазифасини бажарганликларини билишимиз мумкин бўлади.

Саҳна, *кўшк*, *майдон*, *сайлгоҳ*, *базмгоҳ* – барча томоша турлари ўтказиладиган жой номларини билдирган.

Ўзбек замонавий театр терминларининг структур ва семантик хусусиятлари, қўлланиш қўлами асосида бир қанча йирик ва майда мавзуий гуруҳларга ажратиш мезонларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

⁴ Нейматова Ю. Наманган вилояти ойқонимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 13 – 20-бетлар; Пазлитдинова Н. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. 15 – 23-бетлар; Джурабаева З. Ўзбек тилида экологик терминлар: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 11 – 16-бетлар; Валиев Т. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини: Фалсафа д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 11 – 13-бетлар.

1. **Жанрий мансублик мезони:** муайян бир жанрни ташкил этган терминларни бир мавзуий гуруҳга бирлаштириш.

2. **Семантик мансублик мезони:** терминларни семантик таркибидаги умумий семалари асосида бир мавзуий гуруҳга бирлаштириш.

Замонавий ўзбек театрини: драма, кўғирчоқ, мусиқали театр (опера, эстрада), балет, пантомима театрлари каби турларга ажратамиз. Улар учун умумий ва хусусий бўлган терминлар мавжуд. *Опера, балет, рақс, симфоник оркестр, кўшиқ, вокал, авж, аккорд, а капелла, гармония, имитация, партитура, сюта, полифония* кабилар мусиқали театрларларга; *хореограф, рақс, либретто, пластика, балетмейстер* балет театрига; *вертеп, гапит, котурна, марионетка, патронка, сафил, кўғирчоқ, кўғирчоқбоз* кабилар кўғирчоқбозлик театрига хос терминлар ҳисобланади.

Мусиқали, хусусан опера, балет, эстрада терминлари драма ва кўғирчоқбозлик терминларига нисбатан бирмунча абстраккланган. Кўғирчоқбозлик театри терминлари маълум доирадагина қўлланилиб, анқликка эга. Мусиқий театр терминлари эса рақс, кўшиқчилик санъатининг узвий қисми бўлганлиги сабабли умумийлик касб этади, шунингдек мавҳумлашишига ҳам сабаб бўлади.

Мазкур мавзуий гуруҳларга тегишли терминлар тил синхронияси муносабатига асосан, яна қуйидаги кичик мавзуий гуруҳларга бирлашади:

1. **Диахрон характерли терминлар:** ҳаззол, мутойиб, мутояба, тақлид, зарофат маддоҳлар, гўяндалар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, лафозлар, воизлар, зўргарлик, тирандозлик, куштидонлиғ, афсунгар, афсунсоз, афсонагузор, афсонапардоз, лаъбафкан, луъбатакбоз, мухрабозлик, муқаллид, мушъабид, ҳуққабоз, шуъбадабоз, нақшбоз, найрангсоз, бозигар, арусак, луъбат, луъбатбоз, қовурчоқчи, фонус хаёл, чодар, бисмил, меҳтар, корфармон, кўчагар, рисола.

Қуйида уларнинг эски ўзбек тилида қўлланиш ҳолатларига мисоллар келтирамиз:

Афсонагузор – *Тужжори саёҳатишиор, ақолим ва булдон ҳолидин хабардор, ажойибдин афсонагузор ва гаройибдин нодира гуфтор.* (“Маҳбуб ул-қулуб”);

Афсонапардоз – *Яна даги расоилга қалам сурибмен ва макотибга рақам урибменки, форсий сеҳрсозлар ва паҳлавий афсонапардозлар ҳам анда авроқ ораста ва ажзо пироста қилибдурлар.* (“Маҳбуб ул-қулуб”);

Нақшбоз – Ҳам охир бўлди нақшбози,

Не мушкул хийла бўлса чорасози. (“Фарҳод ва Ширин”);

Ҳаззол – *Мавлоно Бурундуқ – надимваши ва ҳаззол киши эрмиш...* (“Мажолис ун-нафоис”);

Хуққабоз – *Не қилгай неча жўғийи сеҳрсоз,*

Бири муҳрадузду бири хуққабоз. (“Садди Искандарий”);

Мутойиб – *Мавлоно Абдураззоқ... рангининг хумрати бор учун мутойиблари ани “сурх қалб” дерлар.* (“Мажолис ун-нафоис”);

Мутояба – *Мутоябаки, боиси инбисот бўлгай, хуштурки, мужиби фараҳ ва нишот бўлгай.* (“Маҳбуб ул-қулуб”);

Маддоҳ – *Мавлоно Хуррамий... анинг маддоҳлигида тил ожиз ва ақл қосирдур.* (“Мажолис ун-нафоис”);

Масалгўй – *Мавлоно Тусий... масалгўй ва газалгўй эрди.* (“Мажолис ун-нафоис”);

Мухрабоз – *Мухрабозлиқ тасбиҳин эвурмак ва узунроқ намоздин гарази эл кўрмак.* (“Маҳбуб ул-қулуб”);

Муқаллид – *Фасақа хайлида муқаллидеки, гарази эл кулгусидур, гўё фоҳишаи қаҳбанинг кўрганни кўргузган кўзгусидур.* (“Маҳбуб ул-қулуб”);

2. Синхрон характерли театр терминлари: *Опера, балет, рақс, симфоник оркестр, кўшиқ, вокал, авж, аккорд, а капелла, гармония, имитация, партитура, сюта, полифония, хореограф, рақс, либретто, пластика, балетмейстер, вертеп, гапит, котурна, марионетка, патронка* каби.

“Тил – серкирра ходиса. Ҳар бир сўз муайян кирра, томон ва имкониятларга эга ўзига хос кичик барқарор бутунлик (система)дир”⁵. “Қолаверса, сўз ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги

⁵ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971. – С. 16.

сифатида ўзида муайян муносабатлар, белги-хусусиятлар, ҳаракат ва ҳолатларнинг ўта мураккаб жиҳатларини ифодалаб кела олади”⁶.

Ўзбек тилшуноси Ш.Искандарова “Мазмуний майдон доирасига бир сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг мазмуний гуруҳини ҳам, турли сўз туркумларининг бир-бири билан мазмуний муносабатда бўлган сўзлар гуруҳини ҳам, лексик-грамматик (мазмуний-функционал) майдонларни ҳам, трансформацион муносабатлар билан боғланган синтактик конструкцияларнинг парадигмаларини, мазмуний-синтактик синтагмаларнинг маълум турлари ҳам киритилади. Улар орасида жиддий фарқлар бўлишига қарамай, уларни у ёки бу мазмуний категорияларга асосланиши билан умумлаштириш мумкин. Бироқ сўзларнинг мазмуний синфлари ва мазмуний майдонларини бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир”⁷, – деган фикрларни илгари суради.

Систем-структур йўналиш асосчиси бўлган буюк тилшунос олим Фердинанд де Соссюр: “Тил яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементларнинг системасидир. Уни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг маъноси бир пайтнинг ўзида шу системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжудлигига асосланади”⁸, – деб, ҳар бир система бўлинувчанлик хусусиятига эга эканлигини исботлаб беради.

Ҳар қандай системада, яъни бутунликда қуйидаги уч нарса мавжуд.

- 1.Кўплаб элементлардан ташкил топган яхлитлик, бутунлик.
- 2.Бутунликни ташкил қилувчи элементлар.
- 3.Элементлар ўртасидаги барқарор муносабатлар.

Яна шуниси муҳимки, кўп сонли элементларнинг мунтазам муносабатлари асосига қурилган яхлит бир бутунлик (система) ўзидан катта бўлган бошқа бир бутунлик (система) ичига кичик бир элемент сифатида кириб кетади. Бу ҳолат тилнинг луғат таркибини ташкил этувчи барча терминологик системаларда кузатилади⁹.

Профессор Э.Бегматов лексикада системалилик хусусида фикр юритиб, тилшуносликда тилнинг луғавий бойлигини ҳам муайян система сифатида тасаввур қилиш ва илмий таснифлаш усуллари сифатида қуйидагиларни келтиради:

- 1) сўзларни сўз туркумларига ажратиш усули, яъни сўз туркумлари системаси;
- 2) сўзларни ясаиш моделларига кўра тасниф қилиш усули, яъни сўз ясаш усуллари;
- 3) сўзларни функционал-стилистик гуруҳларга ажратиш усули, яъни сўзларнинг стилистик-дифференциал гуруҳлари;
- 4) сўзларни маълум мавзу гуруҳларига ажратиш усули, яъни сўзларнинг мавзу гуруҳлари ва бошқалар¹⁰.

Албатта, терминларни мавзуй гуруҳларга ажратиб ўрганишдан мақсад лингвистик умумлашмалар чиқаришдир. Шу жиҳатдан қараганда, театр терминларини қуйидаги мавзуи гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Жанр номлари: *драма, мелодрама, трагедия, комедия, инсценировка, бир пардали пьеса.*
2. Театр қаҳрамонлари номи: *Бичахон, Качал полвон, Петрушка.*
3. Театр асбоблари ва жиҳозлари номи: *чодар, қўғирчоқ, сафил, аэрограф, бутафория, қулис, лонжа, ложа, падуга, парда, планшет, портал, порттик, рампа, реквизит, сахна колосниги.* Шунингдек, *афиша, билет, дастур, программа, сценарий*ни ҳам шу гуруҳга киритишимиз мумкин.

⁶ Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992 .– №5-6. – Б. 36-37.

⁷Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 1998. – Б. 27.

⁸ Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 147.

⁹ Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Қарши, 2006. – Б. 17.

¹⁰Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985. – Б.116.

4. Театрга тегишли ўрин-жой номлари: *кўшк, вестийубель, балькон, базмгоҳ, сайлгоҳ, аванложя, авансцена, амфитеатр, арена, ярус, навильон, бенуар, арьерсцена, балаган, балькон, бель-этаж, партер.*

5. Шахс номлари: *бутафор, актёр, адабий эмикдош, админстратор, суфлёр, луббатбоз, қовурчоқчи, хуққабоз, шуъбадабоз, мушуъбид, муҳрабоз, афсунгар, бозигар, ҳаззол, меҳтар, корформон, корифей, антрепренёр, балетмїстер, актриса, гастролёр, суфлёр, кастюмер.*

6. Актёрларнинг роллари ижросига кўра номи: *эпизотик қаҳрамон, персонаж, ампула, антиқаҳрамон, дублёр, иккинчи даражали иштирок этувчи шахс, премьер, партнёр, резонёр, инженер, солист.*

7. Жараён номлари: *вернисаж, грим, дебют, акт, актуализация, акцент, анданте, апач, гастроль, перипетия, импровизация, каскад.*

8. Спектакльдаги вақтни ифодаловчи номлар: *дивертисмент, авж, финал, хотима, антракт, апофез, пролог.*

9. Актёр хатти-ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи атов бирликлар: *декция, мимика, адажио, актёр пластикаси, мизансцена, репутация, трюк, гротеск, жест, декломация, буффонада.*

10. Кимга мўлжалланганлигига кура: *болалар театри, катталар театри, аёллар қизиқчилиги;*

11. Ижросига кўра: *бир актёр театри, диалогик, прологик, эпилог.*

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек театрининг қадимги кўча томошалари кўринишига эга бўлган тушунчаларининг аксарияти сўнгги йилларда истеъмолдан чиқиб кетган, кейинги давр адабиётларида ҳам кўзга ташланмайди. Бу эса янги авлодда ўзбек театр тарихи билан тўлиқ танишиш имкониятини чеклайди. Ваҳоланки, ўзбек театр бошқа ном ва тушунчалар билан юритилган бўлсада, ўзининг бир неча асрлик тарихига эга. Санъатшунослар тадқиқотларида кўча томошалари номлари билан кўпроқ тилга олинган тушунчалар тўлиқ томоша санъатини қамраб олмайди, сабаби XIX асрга қадар сарой томошалари ҳам машхур бўлган. Шуни назарда тутган ҳолда ўзбек театр терминларини бу каби мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга ажратиш эса бу соҳадаги тушунча ва терминлар балан яқиндан танишиш имкониятини яратади.

References:

1. Use of alisher navoi's works in teaching "children's literature". JD Tursunpo'latovna. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10 (3), 630-634.
2. USE OF ALISHER NAVOI'S WORKS IN" CHILDREN'S LITERATURE" SUBJECT. JD Tursunpo'latovna. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (12), 63-68.
3. Author and hero's parallelism in English and Uzbek literature. M Umarova. Philology Matters 2021 (2), 21-34.
4. The peculiarities of literary hero in comparison with Walter Scott and Abdulla kadiriis works. M Safarova, M Umarova. Oriental Art and Culture, 50-54.
5. Epic Concept and its Expressiveness in Bernard Shaw and Abdurauf Fitrat's Dramas. M Umarova. Central Asian Journal of innovations and research 1
6. Historical figure and literary hero in Walter Scott's novels. M Umarova. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal 2021 (2), 1.
7. Иждокор шахс ва қаҳрамон муаммосининг назарий асослари. МЮ Умарова. Международный журнал искусство слова 3 (2)
8. English and Uzbek Historical Novel and its Development. UM Yunusovna, VS Abdivahabovich, PS Sobirjonovna, ...Telematique, 7807-7812
9. Rapprochement of Western and Eastern views in the study of the problem of a literary hero. BH Ubaydullayevich, UM Yunusovna, S Saodat, AU Sharobiddinovich. Scientific culture 8 (3), 205-211
10. Problem of creative individuality and main hero in bayron and chulpon's lyrics. BH Ubaydullayevich, UM Yunusovna. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 134-139

11. Interpretation of the Fate of Motherland and Nation in English and Uzbek Historical Novels. SS Makhliyo Umarova. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATIO 37 (No.3,), 5663-5669
12. The number and type of narrators in literary work. M Umarova. Interpretation and researches
13. XX ASR BUYUK BRITANIYA ADABIYOTI (INGLIZ DRAMASINING YANGI DAVRI). M Umarova. "Interpretation and researches" 18
14. PAINTING THE PICTURE WITH DESCRIPTION IN LITERARY WORK. MY Umarova. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal 5 (03), 404-411
15. The Main Peculiarities Of The English Historical Novel (On The Basis Of Walter Scott's Novels). UM Yunusovna. Journal of Modern Educational Achievements 1, 91-97.